



ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Камилова Санобар Мирджамаловна -
Банк-молия академияси тингловчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a74

Аннотация. Ушбу мақолада суғурта компанияларнинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни, суғуртанинг асосий турлари, соҳага киритилаётган инвестициялар, суғурта муқофотининг миқдори, хавф-хатарлар ҳамда уларни ўрнини қоплаш масалалари, суғурта ҳақидаги олимларнинг фикрлари, қарашлари таҳлил қилинган, соҳага оид бошқа муаммолар батафсил таҳлил қилинган, соҳадаги мавжуд муаммолар ўрганилиб, илмий асосланган хулоса ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: суғурта, фаровонлик, табиий зарарлар, суғурталовчи, суғурталанувчи, кредит, молия, иқтисод, корхона, ташкилот, компания, инвестиция.

РОЛЬ СТРАХОВЫХ КОМПАНИЙ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА

Камилова Санобар Мирджамаловна -
Слушатель Банковской финансовой академии

Аннотация. В данной статье анализируется роль страховых компаний в экономике нашей страны, основные виды страхования, инвестиции в отрасль, объем страхового покрытия, риски и их возмещение, мнения ученых-страховщиков, подробно анализируются другие проблемы, связанные с отраслью, рассматриваются существующие проблемы в отрасли и предоставляет научно обоснованные выводы и предложения.

Ключевые слова: страхование, благосостояние, естественные потери, страховщик, страховщик, кредит, финансы, экономика, предприятие, организация, компания, инвестиции.

THE ROLE OF INSURANCE COMPANIES IN THE DEVELOPMENT OF THE ECONOMY OF UZBEKISTAN

Kamilova Sanobar Mirdjamalovna -
Listener of Bank finance academy

Annotation. This article analyzes the role of insurance companies in the economy of our country, the main types of insurance, investments in the industry, the amount of insurance coverage, risks and their reimbursement, opinions and opinions of insurance scientists, analyzes in detail other problems related to the industry, examines existing problems in the industry and provides scientifically based conclusions and suggestions.

Keywords: insurance, welfare, natural losses, insurer, insurer, loan, finance, economy, enterprise, organization, company, investment.

Кириш. Мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида амалга оширилмоқда ва бундай шароитда давлат ўз фуқароларининг ижтимоий ҳимоясини амалга оширишда иқтисодиётнинг турли субъектлари хизматидан кенг фойдаланмоқда. Бу борада суғурта хизматлари алоҳида ўрин тутаяди. Бу эса мазкур йўналишдаги суғурта хизматларини ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий механизмларини такомиллаштиришни, бунинг учун ушбу соҳани илмий жиҳатдан тадқиқ қилишни тақозо этади. Бу эса мазкур мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Дунё тараққиётида суғурта тизими давлат фаровонлигини таъминлайдиган ва аҳоли ҳамда унинг мол-мулкни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қиладиган муҳим стратегик тармоқдир. Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий секторида мавжуд бўлган банк, молия ва солиқ тизимлари каби суғурта тизимини ҳам барқарор ва турғун

ҳолда ривожлантириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Суғурта-содир бўлган ва фавқулудда юзага келиши мумкин бўлган табиий зарарлар ҳамда уларнинг кучини қирқишга қаратилган амалий тадбирлар ва зарар натижасида ҳосил бўлган камомадни ўрнини қоплаш юзасидан суғурталовчи ва суғурталанувчилар ўртасидаги иқтисодий муносабатларига айтилади.

Суғурта мустақил иқтисодий категория сифатида пул муносабатлари тизимида муҳим ўрин тутаяди. У молия, кредит каби иқтисодий категориялар билан чамбарчас боғлиқдир. Молия ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида вужудга келадиган мақсадли пул фондларининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ пул муносабатларини ифодаласа, кредит аҳоли, корхона ва ташкилотлар ихтиёридаги вақтинча бўш турган маблағларни жалб этиш ва ундан фойдаланиш

билан боғлиқ пул муносабатлари йиғиндисидир. Суғурта олдиндан кўриб бўлмайдиган табиий ва бошқа ҳодисалар рўй бериши натижасида кўриладиган зарарларни қоплаш билан боғлиқ мақсадли пул фондларини шаклланиши ва ундан фойдаланиш бўйича пул муносабатлари йиғиндисидир.

Республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятига кўшилиши ва хорижий инвесторларни ҳимоя қилиш мақсадида ривожланган давлатлар билан суғурта борасида ҳамкорлиги янада кўчайди ҳамда янги қўшма суғурта компаниялари ташкил этилиб, мамлакатимиз суғурта компаниялари жаҳон суғурта компаниялари қаторидан ўрин олмоқда. Жамиятимизда ҳар бир жабҳанинг узлуксиз фаолият юритиши, тармоқларда ишлаб чиқаришнинг давомийлигини таъминлаш ва аҳолини турли-туман бахтсиз ҳодисалардан ҳимоя қилишда суғурта тизимининг ўзига хос ўрни асослаб берилди. Суғуртавий ҳимоя бозор иқтисодиётнинг зарур унсурларидан бири ҳисобланиб, ишлаб чиқариш субъектларини доимий фаолият юритишида кафолатли вазифи ўтамоқда.

Суғурта муносабатлари орқали суғурта муассасалари инсонлар ҳаётини турли тасодифий хавф-хатарлардан ҳимоя қилади ҳамда уларни келажақда барқарор ҳолда фаолият юритишлари учун ижтимоий муҳофаза заминини яратади. Суғурта бозорида кўрсатилаётган хизматлар турли мулкчилик шаклларидаги корхоналарни кутилмаган турли табиий ҳодисалардан ҳимоя қилишда, келтирилган зарар оқибатларини ўз вақтида тўла-тўқис қоплашда иқтисодий жиҳатдан ёрдам бермоқда. Турли мулкчилик шаклларидаги хўжаликлар ўзидаги мавжуд мол-мулкдан самарали тарзда фойдаланиш мақсадида турли кутилмаган ва тасодифий зарарларни олдини олиш ҳамда барқарор фаолият юритиши учун суғурта хизматларидан кенг миқёсда фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Шу боис ҳозирги кунда суғурта хизматига бўлган талаб ортиб бормоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

О.И.Крюгер жамияти ташкил этилгандан кейин хўжалик фаолияти жараёнида юзага келадиган жорий харажатларни қоплаш учун ишлатиладиган ишлаб чиқариш капитали бу суғурта ҳисобланади[1].

В.К.Райхер фикрлари суғуртанинг иқтисодий моҳиятига нисбатан тўла асосланган, чунки суғурта операцияларини амалга оширишда суғурталанувчилар маблағлари ҳисобига кўшимча суғурта фондлари шакллантирилмайди, фақат яратилган ва мавжуд суғурта фондини қайта тақсимлаш механизми яратилади[2].

Россиялик иқтисодчи, профессор Б.Ю.Сербиновский берган таърифга яқиндир: “суғурта

юридик ва жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта бадаллари (мукофотлари)дан шаклландиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) рўй берганда ушбу шахсларнинг мулккий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича муносабатлар тизимидир[3].

Суғурта бозорини ривожлантиришда реклама ва маркетинг хизматларидан юқори даражада фойдаланишда ижобий натижа бериши тўғрисида Россиялик иқтисодчи А.Гвозденко, В.В. Шахов ўзларининг хулоса ва таклифларини бериб ўтган[4].

Р. Сафуанов, И. Кашипова, А. Рябчиков жамияти ўз аъзоларига арзон ва сифатли суғурта хизматларини тақдим этиши суғурта тарифи брутто-ставкасининг қисқартирилган таркибини қўллаш ҳисобига эришилади, яъни: Брутто-ставка = Нетто ставка. Шу орқали мамлакатда суғурта фаолияти янада ривожланади дея келтириб ўтган[5].

Суғурта бозорини ривожлантиришда суғурта операцияларининг тамойиллари, суғуртанинг назарий масалалари, суғурта молиявий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатлари ҳамда суғурта хизмаларининг сифати ва аҳамияти ҳақида Х.М.Шиннаев, И.К.Очилов, С.Э.Ширинов ўзларининг ўқув қўлланмаларида келтириб ўтишган[6].

Қ.М. Қулдошев ўз асарларида суғуртанинг келиб чиқиши, ривожланиши, мамлакатимизда суғурта соҳаси компанияларининг фаолияти, уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти атрофича ўрганилган ва суғуртани ривожлантириш бўйича ўз таклифларини келтириб ўтган [7].

Тадқиқот методологияси. Илмий тадқиқот ишимизни ёритишда таққослаш, таҳлил ва синтез, иқтисодий таҳлил, иқтисодий математик усуллардан фойдаланилди. Таҳлиллар мамлакатимиз иқтисодиётида суғурта компанияларнинг ўрни, уларнинг ривожланиш тенденциялари, киритилаётган инвестициялар ва соҳага оид бошқа бир қатор муаммолар ўрганилди. Маълумотларнинг қиёсий таҳлил усулидан яъни суғурта компанияларининг мамлакатимиз иқтисодиётига қўшадиган иқтисодий ҳиссани бўйича таҳлиллар амалга оширилган ва кенгроқ қилиб ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Натижада муаммоларни аниқланиб, муаммоларга тегишли илмий асосланган таклифлар берилди ва мушоҳада қилиш асосида илмий хулосаларга келинди. Тадқиқот объекти сифатида суғурта компаниялари фаолияти ўрганилди.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимизда ривожланишнинг асосий тамойилларидан бири бўлган “Давлат бош ислохотчи” тамойили асосида суғурта соҳасини, аниқроқ қилиб айтганда тижоратга асосланган суғуртани ривожланти-

ришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда ва шу мақсадда ушбу соҳанинг ривожланишини кўзда тутувчи бир қатор имтиёз ва преференциялар амал қилмоқда. Бу имтиёз ва преферен-

цияларни МДХ давлатлари билан таққослаганда ҳам бизнинг мамлакатимизда кўпроқ имкониятлар яратилган.



1-расм. Мамлакатимизда суғурта компанияларнинг асосий суғурта турлари[8]

Юқоридагиларнинг натижаси ўлароқ, мамлакатимизда суғурта соҳаси янги соҳа бўлишига қарамасдан, нисбатан тез ривожланаётган соҳалардан бири ҳисобланади. Аммо шундай бўлсада, ушбу соҳа бугунги кун талаби даражасида ривожланмаётганлиги кўзга ташланиб қолмоқда. Потенциал суғурталанувчилар сони ва шу билан бирга суғурталанмай қолаётган кўп сондаги рисклар сони юқориликча қолмоқда.

Суғурта бозорининг субъектлари қуйидагилардан иборат.

1. Ўз манфаатларидан келиб чиқиб суғурта ҳимояси бўйича хизматларни сотиб олувчилар (суғурталанувчилар).

2. Бундай хизматларни ишлаб чиқарувчи ва сотувчилар (суғурталовчилар).

3. Мазкур шахслар ўртасидаги воситалар (суғурта агентлари ва брокерлар).

4. Суғурталанган шахслар

5. Манфаатдор шахслар (наф олувчилар)

6. Учунчи шахслар.

Ички суғурта бозорини молиявий таркибини суғурта ташкилотларининг моддий ва молиявий ресурслари ташкил қилади. Суғурта бозорининг асосий вазифаси суғурта хизматларига талабни шакллантириш (маркетинг, реклама), шартномалар тузиш ва суғурта полисларини сотиш, мақсадга мувофиқ ва эгилувчан таъриф сиёсатини олиб бориш, ўз инфратузилмасини тартибга солиш ҳисобланди.

Суғурта соҳасининг мамлакат миқёсида қай даражада ривожланганлигини кўрсатувчи муҳим кўрсаткич, ялпи ички маҳсулотда суғурта

мукофотларининг ҳиссаси кўрсаткичи бўлиб, ушбу кўрсаткич мамлакатимизда 15-17 йилдан бери ўзгармасдан 0,3-0,4 фоиз даражасида сақланиб келаётганлиги юқоридаги фикрни яққол тасдиқлаб турибди. Чунки бу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда 8-10 фоизни ташкил этмоқда[7]. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда олиб борилаётган жуда кўплаб тадбирлар, қабул қилинаётган қонунлар, фармон ва қарорларга қарамасдан, суғурта соҳаси ҳозирги замон талаблари даражасида ривожлана олмаяпти.

Юқоридаги кўрсаткич суғурта фаолиятида бир мунча муаммолар мавжуд эканлигидан далолат беради. Олиб борган тадқиқотларимиз натижасида суғуртанинг ривожланишига таъсир қилувчи муаммолар аниқланди. Улар қуйидагилар:

- мамлакатда давом этаётган юқори инфляция жараёнлари узоқ муддатли суғурта турларини амалда қўллаш имконини бермаяпти;

- аҳоли катта қисмининг даромадлари кундалик эҳтиёжлари учун қилинадиган харажатларидан ортиқ эмаслиги, келажакни ўйлаб амалга ошириладиган суғуртага бўлган эҳтиёжни пасайтирмоқда;

- узоқ муддатли суғуртани ривожлантиришга қаратилган давлат имтиёзларининг етарли эмаслиги ушбу суғурта турларига бўлган қизиқишнинг паст даражада қолишига сабаб бўлмоқда;

- суғурта билан шуғулланувчи миллий суғурта компанияларида етарли тажрибанинг

йўқлиги ва хорижий суғурта компанияларининг миллий суғурта бозорида фаолият кўрсатишига мавжуд қонунчиликнинг йўл бермаслиги суғуртанинг оммавийлашувини таъминламаяпти.

Республикамиз суғурта бозорини ривожлантириш бевосита суғурта компанияларини инвестиция соҳасига кенг жараёнда кириб бориш йўналишлари билан чамбарчас боғлиқдир. Айрим ҳолатларда, ҳозирги вақтда суғурта компанияларнинг инвестиция фаолиятини такомиллаштиришга тўсқинлик қилувчи талайгина омиллар мавжуд бўлиб, булар ўз ичига қуйидагиларни олади:

- қимматбаҳо қоғозлар бозорининг тўлиқ шаклланмаганлиги, жумладан иккиламчи бозор фаолиятининг сустлиги;

- иқтисодиёт соҳасига инфляциянинг таъсири;

- фуқаролар ва юридик шахсларнинг суғурта хизматларига бўлган талаби ва мавжуд тўлов қобилиятлиги даражаси пастлиги;

- суғурта захираларини узоқ муддатга жойлаштиришнинг ишончли инструментлари этарли даражада мавжуд эмаслиги;

- миллий қайта суғурталаш бозорининг ривожламаганлиги, хорижий қайта суғурталаш компанияларининг иштирокисиз катта рискларни суғурталаш имкониятсизлиги суғурта бадаллари оқимининг асосланмаган ҳолда четга чиқиб кетиши;

- суғуртанинг этарли даражада ривожланмаганлиги.

Суғурта соҳасида айнан ҳаёт суғуртасидан йиғилган суғурта мукофотлари, узоқ муддатли инвестициянинг асосини ташкил этади. Суғурта компаниясининг инвестицион имкониятларини қўйидаги омиллар белгилайди:

- мижозлар сони ва суғурта мукофоти ҳажмига боғлиқ бўлган вақтинчалик бўш маблағлар ҳажми;

- муддатлар, яъни бу вақт давомида ушбу маблағлардан фойдаланиш мумкин бўлади. Суғурта компаниясини инвестицион портфел тизими, унинг молиявий барқарорлигини таъминлаши лозим ва у одатда суғурта назорати меъёрлари билан белгиланади.

Унда суғурта захираларининг вақтинчалик бўш турган маблағларини жойлаштириш тартиби белгиланган, давлат томонидан суғурта инвестицияларининг маълум бир ҳимояси таъминланган. Суғурта компаниялари инвестиция фаолиятини бошқаришда асосий мақсадларидан бири, бу – ўз инвестиция фаолиятдан тўғри ва оқилона фойдаланишни бошқариш орқали самарага эришишидир.

Бунинг учун суғурта компаниясининг инвестиция дастури қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:


- суғурта компанияси инвестиция портфелининг барқарорлигини таъминлаши шарт. Шундагина суғурта компаниясининг барқарорлиги ва рақобатдошлиги ошиб боради;

- инвестициянинг даромадли ва ишончли йўналишини таъминлаш суғурта компаниясининг асосий мақсадларидан биридир. Инвестиция портфелини самарали йўналтиришда биринчи навбатда қўйидагиларга аҳамият бериш лозим;

- суғурта ходисасининг содир бўлиш ва тўлов мажбуриятининг бажариш эҳтимоллигига;

- инвестиция таваккалчилигида суғурта захираларини йўқотиш эҳтимоллигига.

Суғурта компаниясининг инвестиция дастуридаги суғурта ходисаси эҳтимоллиги унинг фаолияти хусусиятидан келиб чиқади.



2-расм. Ўзбекистон Республикасида молия ва суғурта фаолияти бўйича ўзлаштирилган асосий капиталга инвестициялар[10]

Чунки суғурта компанияси жисмоний ва юридик шахслар ҳаёти, соғлиғи ёки мулкига тасодифан этган зарарни қоплашни суғурта шартномаси шартларига асосан ўз зиммасига олади. Шунинг учун инвестиция режалаштири-лаётганда тўлов мажбуриятларининг бажари-лиши эҳтимоллиги асосий факторлардан бири ҳисобланади.

2-расм маълумотлари асосида айтиш мум-кинки мамлакатимизда ўзлаштирилган асосий капиталга инвестициялар миқдори 2021 йил январ-сентябрь ҳолатига кўра, 2020 йилга қадар барқарор ўсишни ва 2021 йил учинчи чорагига келиб бў кўрсаткич анча паст натижани кўрсат-моқда. Бу етарлича инвестиция киритилмаётга-нини ёки суғурта компаниялар фаолиятига нис-батан фуқароларнинг ишончи пасайишига сабаб бўлмоқда.

Миллий суғурта тизимини ривожланти-ришнинг истиқболли вазифаларидан бири су-ғурталовчиларнинг маблағларини инвестиция қилиш йўналишларни кенгайтишни таъмин-ловчи, мамлакатда қулай инвестиция шароит-ларни ташкил этувчи чораларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишни назарда тутадиган инвести-ция сиёсатни такомиллаштиришдан иборатдир.

Суғурта иқтисодиётни диверсификация қилиш ва иқтисодий ўсишнинг асосий омилига айланмаган. Маълумотларга кўра, суғурталани-ши мумкин бўлган рискларнинг атиги 2 фоизи суғурталанмоқда. Бунинг асосий сабаблари – хизматлар таклифи торлиги ва сифати пастли-ги, рақобатнинг ривожланмаганлиги, суғурта ресурслари таъминотининг етарли эмаслиги, суғурта бозори инфратузилмаси субъектлари фаолиятининг ривожланмаганлиги ҳамда су-ғуртанинг фақат битта шакли - тижоратга асос-ланган шакли амал қилаётганлигидадир.

Бундай турғунлик ҳолатидан чиқишнинг бирдан-бир йўли, тижоратга асосланган суғур-танинг муқобили бўлган ўзаро суғуртани мам-лакатимизда ҳам йўлга қўйиш, бунинг учун дав-латнинг ташаббускорлигидан фойдаланиш, маз-кур янги йўналишнинг ҳуқуқий асосларини яра-тиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланмоқда.

Аҳолида суғурта ташкилотларига бўлган ишонч ҳамда қизиқишнинг ортишида асосий омил бўлиб ушбу ташкилотлар томонидан су-ғурталанганларга тўлаб берилган суғурта қоп-ламаларининг ҳажми ҳисобланади. Тўлаб бе-рилган суғурта қопламалари қанчалик кўп миқ-дорни ташкил этса одамларда шунчалик ушбу ташкилотларга нисбатан ишонч ортиб боради ва натижада суғурталовчилар сони ҳам кўпая-ди. Ушбу кўрсаткич хорижий мамлакатларда 90 фоизгача ҳам етиб боради. Бизнинг мамлақати-

мизда эса бу кўрсаткич йигирма фоизга ҳам етмаяпти[10].

Бугунги кунда мамлакатда фаолият юри-таётган суғурта компаниялари катта объектлар-ни тўлиқ суғуртавий ҳимоялаш имкониятига эга эмас. Баъзи объектлар бўйича суғурта маж-буриятининг катталиги ва суғурта компанияла-рининг капиталлашув даражасининг пастлиги туфайли маҳаллий суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти уларнинг суғурта рискларини тўла қоплай олмайди. Бундай объектлар сифатида Навоий кон-металлургия заводи, “Ўзтрансгаз” АК, “Лукойл оверсиз саплай энд трейдинг”, Олма-лиқ кон-металлургия комбинати, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ каби йирик иқтисодиёт корхоналарини мисол тариқасида келтириш мумкин. Уларни суғуртавий ҳимоялашда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, мамлакатда давлат қайта суғурта ташкилотини ташкил этиш зарурати пайдо бўлади ва у орқали ма-ҳаллий суғурталовчиларнинг молиявий барқа-рорлигини таъминлашга эришилади.

Ўзбекистон географик жойлашувига кўра сейсмик ҳудуд бўлишига қарамай, талафотли рискларнинг жуда кам содир бўлиши туфайли мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий тизимига катта хавф солмайди. Шунга қарамай эҳтимолий суғурта объектларининг тўлиқ суғуртавий ҳи-моя билан таъминланиши муҳим ҳисобланади. Суғурта компаниялари ўзининг тўлов қобилия-ти ва молиявий барқарорлигини сақлаш мақса-дида ўз молиявий имкониятларидан ортиқ маж-буриятни қабул қила олмайди, демак у қайта су-ғурта механизмдан фойдаланишига тўғри ке-лади. Ҳозирда йирик қийматга эга объектлар-нинг салмоқли қисми хорижий суғурта бозорла-рида иккиламчи жойлаштирилмоқда. Маълум-ки, сўнгги йилларда ҳукумат томонидан иқтисо-диётнинг барча соҳаларига жиддий эътибор қа-ратилмоқда, танқидий ўрганилмоқда ва исло-ҳотлар амалга оширилмоқда, албатта, бу бежис эмас. Боиси, иқтисодиётнинг барча бўғини бир-бирини тўлдирган ҳолда хизмат кўрсатади ва бир бўғиннинг ўзида юз берадиган узилишлар ёки ривожланишдан ортда қолиши унинг бошқа бўғинларига ҳам салбий таъсир кўрсатади, натижада иқтисодий ночорлик юзага келади. Шу ўринда айтиш жоизки, мамлакатимизда су-ғурта соҳаси шу кунга қадар кам эътибор қара-тилган соҳа эди, буни соҳадаги қонунчиликнинг такомиллашмагани, суғурталовчиларнинг тў-лов қобилиятига қўйилган талабларнинг бир неча йиллардан буён ўзгаришсиз қолганлиги каби кўрсаткичлар билан изоҳлаш мумкин.

Умуман, суғуртанинг инсоният ҳаётидаги ва иқтисодиётни узлуксиз ривожланишини таъ-минлашдаги аҳамияти беқиёс. Буни эътиборга

олиб, мамлакатимизда бозор инфратузилмасининг ушбу бўғинини ривожлантиришга катта эътибор берилляпти.

Хулоса ва таклифлар. Юқорида келтирилган маълумотлар, фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш мумкики, бугунги кунда мамлакатимиз миллий суғурта бозори нисбатан тез ривожланаётган бўлсада, бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бера олмайди. Хорижий мамлакатлар суғурта бозорлари билан солиштирилганда бозорда кўрсатилаётган суғурта хизматларининг турлари бўйича ҳам, ялпи ички маҳсулотда суғурта мукофотларининг улуши, киши бошига тўғри келаётган суғурта мукофотлари, суғурталаниши мумкин бўлган рискларнинг суғурталаниш даражаси, суғурта мукофотларига нисбатан тўлаб берилган қопламалар ҳажми каби кўплаб кўрсаткичлар бўйича орқада қолиб келмоқда.

Натижада суғурта фуқаролар, корхона ва ташкилотларнинг кафолатли ва ишончли ҳамкорига айлана олгани йўқ. Фикримизча, юқоридаги ҳолатларга барҳам бериш ва суғурта соҳасини ривожланган мамлакатлар даражасига етказишнинг энг муҳим ва асосий омилларидан бири бу, Ўзбекистонда хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда суғуртанинг инновацион усулларини жорий этиш ва бунда давлатнинг ташаббускорлигидан фойдаланиш суғурта соҳасидаги бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Юқоридаги кўрсаткичлар Ўзбекистон суғурта бозори кун сайин ривожланаётганини билдиради. Бироқ бу суғурта бозорининг бор имкониятларини намоён этган дегани эмас. Суғурта аҳолининг қанча кўп қисмини қамраб олса, бу аҳолининг шунчалик ижтимоий ҳимояланганлигини билдиради. Бу эса давлатнинг ижтимоий соҳага бўлган ҳаражатларининг тежалишига олиб келади. Юқоридаги кўрсаткичларига асосан қуйидаги таклифларни бериб ўтмоқчимиз. Булар қуйидагилар:

- аҳолини узоқ муддатли суғурталашда индексацияни ҳисобга олган ҳолда суғурталашни йўлга қўйиш;

- ҳаёт суғуртасининг микро моделларни ишлаб чиқиш;

- суғурта компаниялари томонидан берилган статистик маълумотларнинг шаффофлигини таъминлаш ва маълумотларни аҳолига тарғиб қилиш;

- суғурта компаниялари фаолиятининг кенгайтиришда суғурта соҳасида тадқиқот олиб бораётган тадқиқодчилар кўмагидан кенг фойдаланиш.

- суғурта компаниялар томонидан суғурта фаолиятига доир маълумотларни ўз вақтида эълон қилиш ва тақдим этиш. Келтириб ўтилган янгиликлар суғурта соҳасини ривожлантиришда аҳолида суғурта ҳақида тасаввур шакллантиришга таъсир кўрсатади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Крюгер О.И. Т.1: Основы страхования //Страховое дело (пер. в нем. О.И.Крюгер и Т.А.Федоровой). М.: Экономистъ, 2010.- Т.1- с.123.
2. Абдурахмонов И.Х. Суғурта назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИқтисодМолия”, 2018. 378-б.
3. Сербиновский Б.Ю. Страховое дело. – М. “Феникс”, 2012 г. с.7.
4. Гвозденко А.А. Основы страхования: Учебник. – М.: Финансы статистика 2003.; Шахов.В.В. Страхование. Учебник для вузов. М “ЮНИТИ”, 2001
5. Сафуанов Р., Кашипова И., Рябчиков А. О некоторых направлениях экономического анализа и оценки эффективности деятельности обществ взаимного страхования. //Страховое дело.-2009.-№7
6. Шиннаев Х.М., Очлов И.К., Ширинов С.Е., Кенжаев И.Ф. Суғурта иши. Тафаккур бўстони. - Тошкент-2014
7. Қулдошев Қ.М. “Ўзаро суғуртанинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, Ўзбекистонда уни жорий этишнинг афзалликлари” “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2017 йил
8. Илмий изланишлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди
9. http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/1_Qoldoshev.pdf
10. www.stat.uz Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди
11. Jumaev Nadir Hosiyatovich, Rizaev Nurbek Kadirovich, & Isaev Fakhridin Ikromovich. (2023). ORGANIZATION OF TURKIC STATES: INTEROPERATION AND ACCOUNTING SYSTEM. *British Journal of Global Ecology and Sustainable Development*, 13, 116–129. Retrieved from <https://journalzone.org/index.php/bjgesd/article/view/245>
12. Isaev, F. (2021). Мол-мулкни солиққа тортишни такомиллаштириш. *Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar*, (6), 326–333. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12224
13. Исаев, Ф. (2022). РЕСУРС СОЛИҚЛАРИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ. *Iqtisodiyot Va ta'lim*, 23(5), 171–176. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/742>
14. Saidov M., Muydinov D. The Development Strategy of International Companies in Modern Conditions. *AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT* ISSN 2576-5973 (online), Published by “Global Research Network LLC” under Volume: 6 Issue: 1 in Jan-2023. P. 106-112. <https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm>
15. Saidov M., Raximberdiyev X. Organization of Production and Management of New Enterprises. *AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT* ISSN 2576-5973 (online), Published by “Global Research Network LLC” under Volume: 6 Issue: 1 in Jan-2023. P. 178-184. <https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm>
16. Saidov M., Ro'ziev E. Features of the System of Digital Information and Communication Technologies in the Management of Companies. *MANAGEMENT* ISSN 2576-5973 (online), Published by “Global Research Network LLC” under Volume: 6 Issue: 1 in Jan-2023 P. 196-202. <https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm>
17. Saidov M., Shodmonov B. Organization of Control and Evaluation of Effectiveness in International Companies. *AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT* ISSN 2576-5973 (online), Published by “Global Research Network LLC” under Volume: 6 Issue: 1 in Jan-2023. P. 113-118. <https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm>